

Фикҳ дарслари (61-дарс). Дунёдаги энг қадимги Ислон Фикҳи Академияси



17:30 / 28.11.2019 5177

Мисрдаги Ислоний тадқиқотлар Академияси ушбу академия дунёдаги энг қадимий Ислон Фикҳи Академиясидир. Фатволарнинг бирлашиши ва янги пайдо бўлган муаммоларни ҳал этиш мақсадида Ислон оламининг барча томонидан келган ҳар турли уламоларни ўз ичига олади. Ислоний ҳукумат ва халқлар унинг фикридан фойдаланишади. Бу академия, шубҳасиз, ишончли нарсалар ҳақида қарорлар чиқаради.

Азҳари шариф дорилфунундаги Ислоний Тадқиқотлар Академияси Ислон оламидаги энг қадимий фикҳий академиядир. У шаръий тафтиш қилиш бўйича илмий йўналиш бўлиб, тасниф этилган китоб ёки Мисрда содир этилган қонуннинг Ислон шариатига муҳолиф эмаслигини ўрганиб чиқади. Ушбу академияга «буюк имом», «Азҳар дорилфунуни шайхи» бошчилик

қилади.

Азҳар дорилфунуни шайхининг миссияси ва хайрия тармоқлари кўп бўлиб, Миср ва унинг ташқарисидаги ҳаётда, хоҳ у сиёсий, хоҳ ижтимоий ёки даъватга тааллуқли бўлсин, фаол таъсири ва катта ўрни бордир.

Азҳари Шарифнинг тарихига назар солсак, ушбу академияни танишимиз осон бўлади. Азҳари Шарифнинг тарихи Мисрдаги фотимийлар давлатининг замонасига бориб тақалади. Қўмондон Жавҳар Сақалий ҳижрий 358 сана, шаъбон ойининг 17-сида Фустот шаҳрини босиб олганидан кейин Қоҳира шаҳрига асос солган эди. Аҳли сунна бўлган мисрликлар билан тўқнаш келмаслик учун шийъа мазҳабига қарашли, фотимийлар шиори бўлган масжид қуришни режалаштирди. Ва Мисрда фотимийлар салтанати рамзи сифатида масжид бино қуришга азму қарор қилди. Азҳар жомеъсини ҳижрий 359, милодий 970 сана, жумодул аввалнинг 24-сида қуриш бошланди. Ҳижрий 361, милодий 972 санада масжид қуриб битказилди. Мазкур санада, яъни Рамазон ойининг еттинчисида биринчи жума намози ўқилди.

Азҳар жомеъси аввалига Жавҳар Сақалий барпо қилган янги пойтахт номи билан аталди. Азизбиллаҳ Фотимий замонасида зоҳира (гуллаб яшновчи, нур сочувчи) қасрлар бунёд этилгандан кейин, жомеъ «Азҳар» (гуллаган, нур сочувчи) деб номланди.

Баъзиларнинг фикрича эса келажакда илмлар ривожланиб, улуғ мақомларга эришиши кўзда тутилганлиги учун шундай номланган. Ва яна бошқа кишиларнинг фикрича, Фотимаи Заҳрога нисбат бериб шундай номланган. Чунки фотимийлар ўзларини Расулulloҳ алайҳиссаломнинг қизларига нисбат бериб шу ном билан аташган.

«Фикҳий йўналишлар ва китоблар» китобидан